

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА ФЕРУЗА ПОЗИЛОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
psychological Sciences**

Ражабова Феруза Позиловна

Вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик
хусусиятлари.....3

Ражабова Феруза Позиловна

Социально-психологические особенности отклонений поведения
несовершеннолетних.....23

Rajabova Feruza Pozilovna

Socio-psychological features of behavioral disorders in
juveniles.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА ФЕРУЗА ПОЗИЛОВНА

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/P134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik@uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Баҳриддин Менгбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Самаров Рустамжон Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Фарфиева Комола Атхамджановна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.А.Акрамова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
психол.ф.д., доцент

Н.Б.Атабаева

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, психология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Т.Нишоновна

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, психол.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, қонунбузарлик, андишасизликнинг кўпайиши, айниқса, «...турли мамлакатларда содир этилаётган жиноятчилик, қонунбузарлик, гиёҳвандлик, алкоголизм ва зўравонликнинг ўттиз-қирқ фоизи вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келаётганлиги...»¹ туфайли авлодлар орасида кўп асрлик инсоний қадриятларнинг йўқолишига таъсир этиши, ёш авлодда салбий хулқ-атвори одадий норма сифатида қабул қилиш ва маъқуллаш психологиясини юзага келтириши хулқ оғиш муаммосига алоҳида эътибор қаратишни долзарблаштиради. Бу борада носоғлом ахлоқий хулқ эгаларидаги шахсий сифатларни ўзгаришлари сабаблари, вояга етмаганлар психологиясида хулқ оғишининг намоён бўлиши ва хулқ оғишини олдини олишнинг ечимини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғиши ва тарбия бузилиши муаммосини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилиб, вояга етмаганлар орасида хулқ оғишини олдини олиш ва улар хулқ аторида келиб чиқаётган турли салбий иллатларнинг психологик сабабларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, оилавий тарбия услубининг вояга етмаганлар хулқ-атворида таъсири, шахсда хулқ оғишини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омилларни эрта психодиагностика қилиш орқали коррекциялашни амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнидаги турли кўринишдаги зиддиятлар натижасида хулқ оғишининг юзага келиши, ижтимоийлашув масканларида болага нисбатан эътибор, меҳр ва илиқ туйғуларнинг танқислиги, уларда қаҳр, ғазаб устуворлигига олиб келувчи омилларни аниқлашга йўналтирилган тадқиқот ишларига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда ёшларни баркамол инсон сифатида тарбиялашга ҳамда тарбия бузилиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш, ёт мафкуравий хуружлардан асрашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. «Вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш²» устувор вазифа сифатида қаралиши эътиборга молик бўлиб, илмий тадқиқ этиш зарурати кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони, 2017 йил 14 мартдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2833-сон қарори,

¹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон «Вояга етмаганларга ижтимоий- ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори/
<https://lex.uz/docs/5550539>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги «Вояга етмаганларга ижтимоий- ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 490-сон қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларнинг жисмоний ва руҳий уйғунликда камол топиши, вояга етмаганлар ўртасида турли салбий иллатларни олдини олиш, содир этилаётган қонунбузарлик, хулқ оғиши, алкоголизм ва гиёҳвандлик сингари иллатларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар, вояга етмаганларда хулқ оғишининг демографик, ҳуқуқий ва ҳудудий хусусиятлари Республикамиз олимларидан Қ.Абдурасулова, И.Исмаилов, Н.Ғ.Камилова, В.М.Каримова О.А.Каримова, З.Ғ.Камалетдинова, Ғ.Нормуродов, Н.А.Соғинов, Г.К.Тўлаганова, Б.М.Умаров, Э.Қулжонов, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан Г.М.Андреева, З.А.Астемиров, И.П.Башкатов, А.С.Белькин, Л.И.Божович, Г.Г.Бочкарева, А.А.Вдовченко, Ю.В.Гербеев, Н.С.Гилева, А.Д.Глаточкин, А.М.Долгова, А.Жумабоев, А.В.Завалюк, Е.В.Змановская Л.М.Зюбин, К.Е.Игошев Б.Т.Кондрашченко, С.В.Книжникова, Н.Д.Левитов, А.Н.Леонтьев Э.Б.Мельникова, А.Я.Минин, И.А.Невский ва бошқалар томонидан вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғиши ва унинг ижтимоий-психологик омилларини, вояга етмаганлар шахсида хулқ оғишининг келиб чиқишига ёш даври хусусиятлари, ижтимоий муҳитнинг хулқ оғиши келиб чиқишидаги ўрни, ёшларда хулқ оғиши келиб чиқишининг асосий сабаб ва мотивлари ҳамда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўрганиш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Хориж олимларидан А.Бандура, А.Биндер, Э.Берн, Р.Бэрн, Д.Ричардсон, Б.А.Миренский, Б.А.Райский, И.Д.Фельдштейн, З.Фрейд ва бошқалар томонидан болалар ва ўсмирлар ўртасидаги қонунбузарлик ва хулқ оғиши келиб чиқишининг олдини олиш масалалари илмий тадқиқ этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Қарши давлат университети илмий тадқиқот режаларининг БВҒ-0-01-рақамли «Вояга етмаганларнинг инфорацион хавфсизлигини таъминлашда фанлараро ёндашувнинг илмий-методик асосларини яратиш» мавзусидаги фундаментал таҳлилий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш асосида олдини олишга оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вояга етмаганларда хулқ оғиши келиб чиқишининг ижтимоий-психологик омилларини аниқлаш;

вояга етмаганларда хулқ оғиши келиб чиқишида ижтимоий муҳит, оила омилларининг ўрнини эмпирик жиҳатдан асослаш;

вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик омиллари таъсирида шаклланадиган шахс хусусиятларини аниқлаш ва гуруҳлаштириш;

вояга етмаганларда ёш ва ўтиш даври хусусиятларининг хулқ оғиши келиб чиқишига таъсирини тадқиқ қилиш ва уни олдини олиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш жараёни танланган бўлиб, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидан хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаган ёшдаги болалар ва ўсмирлар (210 нафар), уларнинг ота ва оналари (50 нафар), тадқиқотда жами 260 нафар респондентлар қатнашган.

Тадқиқотнинг предметини вояга етмаганларда хулқ оғиши ва уни олдини олишнинг ижтимоий-психологик омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суҳбат, кузатиш, анкета, ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС), вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлашга мўлжалланган В.Н.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийларнинг «Шахсни психодиагностик баҳолаш» тести, К.Леонгарднинг «Ўсмирлар характер хусусиятларини ўрганиш» сўровномаси, З.Матейчик ва П.Ржичанларнинг «Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида» тести ҳамда математик-статистика усуллари (фоизли таҳлил, фактор таҳлили, Студентнинг-t муқаррарлик мезони ва Пирсоннинг r_p -корреляция коэффициентини ҳисоблаш) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вояга етмаганларда хулқ оғиши келиб чиқишида асосий психологик ҳолатлардан иродавий зўриқиш, рефлексия, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, эмансипациянинг пубертат ёши даврига таъсири «психик беқарорлик», «депрессивлик», «қайсарлик»ни юзага келишига асосланиб, уларнинг хулқда намоён бўлиши, шахс сифатида ривожланиш жараёнига кўп векторли таъсир кўрсатиши далилланган;

вояга етмаганларда тенгқурлари, мактаб, оила ҳамда ижтимоий муҳит таъсирида «мулоқотчанлик», «депрессия», «психик бақарорлик», «асоциаллик» каби психологик хусусиятларни семантик дифференциациялаш орқали хулқ оғишганликни келтириб чиқарувчи омиллар тизимлаштирилган;

вояга етмаганларда муҳит, турмуш тарзи, маълумотлилик даражаси, мустақилликка интилиши ҳиссининг таъсирида эҳтиёжлар иерархиясидаги ўзини тан олдириш истагининг доминант ривожланиши асосида гипертим типни кучайиши орқали хулқдаги оғишишларни келиб чиқиши далилланган;

вояга етмаганлардаги хулқ оғишининг психопрофилактик чора-тадбирлари самарадорлиги боланинг ижтимоий-психологик тасаввурлари,

тафаккур услуги, индивидуал психологик хусусиятларига мос ижтимоий талабларни қўллашга йўналтирилган «Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича тизимли психопрофилактика» муаллифлик моделини киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик омилларини аниқлашга мўлжалланган ижтимоий психологик сўровнома ишлаб чиқилган ва вояга етмаганларда хулқ оғишини келиб чиқишига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик хусусиятларни психодиагностикаси учун психологик методикалар тизимлаштирилган ва психологлар амалиётга жорий этилган;

вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик омиллари, ёш, худудий, статистик ва жинсий хусусиятлари аниқлаш асосида олдини олиш бўйича ижтимоий-психологик тренинглар мажмуаси ишлаб чиқилган;

вояга етмаганларда хулқ оғишини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган;

вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишини олдини олишда уларнинг ёш, индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги асосланган ҳолда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, психологик хизмат йўналишида амалиётчи мутахассислар томонидан кенг қўлланилувчи методик воситалар, математик-статистиканинг турли даражадаги (бирламчи ва юқори даражалардаги) методлари комплекс қўлланилган, респондентлар танланма тўпламининг ҳажми ижтимоий психологик тадқиқотларда тавсия этилган чегараларда бўлгани, илмий-назарий таҳлил, натижалар шарҳида ишончли манбаларга асосланганлик, асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик хусусиятларининг илмий-назарий аҳамияти ва хулқ оғишини келтириб чиқарувчи омиллар, ёш, худудий, статистик ва жинсий, ўз-ўзини баҳолаш хусусиятлари негизида хулқ оғишига олиб келувчи ижтимоий-психологик мазмун-моҳият очиб берилган, қўлга киритилган натижалардан олий таълим муассасаларида «Ижтимоий психология», «Ривожланиш психологияси», «Девиантология», «Психологик хизмат», «Психологик маслаҳат ва психокоррекция», «Ижтимоий психологик тренинг» фанларини илмий манба билан бойитишда ва амалиётчи психологлар малакасини оширишда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тренинглар мажмуини ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишлаш ходимлари, халқ таълими муассасалари, академик лицей психологлари амалиётга тадбиқ этиш орқали хулқи оғишган вояга етмаганлар хулқини коррекциялаш, уларнинг ижтимоий, педагогик ва психологик жиҳатдан мукамал ривожланишига ёрдам беради, ҳуқуқшунослик психологияси соҳасида ишлайдиган тадқиқотчилар фаолиятларида, ўз-ўзини бошқариш маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари фаолиятларида, тегишли йўналиш бўйича услубий қўлланмалар ва тавсиялар

ишлаб чиқишда, ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш профилактика нозирлари, ўқитувчилар, маҳалла фаолларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этишда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Вояга етмаганлар хулқ оғишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий тадқиқот иши натижалари асосида:

вояга етмаганларда хулқ оғиши келиб чиқишида асосий психологик ҳолатлардан иродавий зўриқиш, рефлексия, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, эмансипациянинг пубертат ёши даврига таъсири «психик беқарорлик», «депрессивлик», «қайсарлик»ни юзага келишига асосланиб, уларнинг хулқида намоён бўлиши, шахс сифатида ривожланиш жараёнига кўп векторли таъсир кўрсатишига оид маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 2 октябрдаги №49-к буйруғига асосан марказ амалий фаолиятига “Вояга етмаганларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асослари яратиш” лойиҳаси доирасида “Ахборот консалтинг хизматида” жорий этилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 14 ноябрдаги 01-247-сон маълумотнома). Мазкур тавсияларнинг жорий этилиши натижасида марказнинг амалиётчи психологларида вояга етмаганларда хулқ оғишига доир илмий-назарий билимлар ва амалий кўникмалар шакллантирилган;

вояга етмаганларда тенгқурлари, мактаб, оила ҳамда ижтимоий муҳит таъсирида «мулоқотчанлик», «депрессия», «психик бақарорлик», «асоциаллик» каби психологик хусусиятларни семантик дифференциациялаш орқали хулқ оғишганликни келтириб чиқарувчи омилларга оид маълумотлар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 2 октябрдаги №49-к буйруғига асосан марказ амалий фаолиятига “Вояга етмаганларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асослари яратиш” лойиҳаси доирасида “Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг муаммоларини ўрганиш” вазифасига жорий этилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 14 ноябрдаги 01-247-сон маълумотнома). Натижада хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлар шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш механизмлари яратилган;

вояга етмаганларда муҳит, турмуш тарзи, маълумотлилик даражаси, мустақилликка интилиши ҳиссининг таъсирида эҳтиёжлар иерархиясидаги ўзини тан олдириш истагининг доминант ривожланиши асосида гипертим типни кучайиши орқали хулқдаги оғишишларни келиб чиқишига оид тавсиялар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 2 октябрдаги №49-к буйруғига асосан марказ амалий фаолиятига “Вояга етмаганларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асослари яратиш” лойиҳаси доирасида “Ахборот консалтинг хизматида” жорий этилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 14 ноябрдаги 01-247-сон маълумотнома). Натижада психолог кадрларнинг хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларга психологик хизмат кўрсатиш, оила ҳамда мактаб жамоасида ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш учун зарур илмий-амалий ҳамда услубий тайёргарлиги такомиллаштирилган;

вояга етмаганлардаги хулқ оғишининг психопрофилактик чоратадбирлари самарадорлиги боланинг ижтимоий-психологик тасаввурлари, тафаккур услуги, индивидуал психологик хусусиятларига мос ижтимоий талабларни қўллашга йўналтирилган тавсиялар Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 2 октябрдаги №49-к буйруғига асосан марказ амалий фаолиятига “Вояга етмаганларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асослари яратиш” лойиҳаси доирасида “Ахборот консалтинг хизмати” жорий этилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2020 йил 14 ноябрдаги 01-247-сон маълумотнома). Натижада бўлғуси педагог-психолог ва амалиётчи психологларга «Консультатив психология ва психокоррекция» фанини ўқитишда услубий таъминот такомиллаштирилган ҳамда назария ва амалиёт узвийлиги кучайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та республика ва 3 та халқаро илмий конференцияларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича жами 6 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда 4 та мақола, жумладан 2 таси хориж журналида чоп этилган.

Тадқиқот ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ҳамда муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги изоҳланган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг амалиётда жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Вояга етмаганларда хулқ оғиши муаммосининг илмий-назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда узоқ ва яқин хорижлик ҳамда мамлакатимиз психолог олимларининг мавзуга оид назарий қарашлари умумлаштирилган, девиант хулқ феноменларига муаллифлик таърифлари батафсил келтирилган, вояга етмаганларда хулқ оғишини келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар ва уни олдини олиш билан боғлиқ концептуал масалаларнинг чуқур ўрганилганлиги ёритилган.

Манбалардан маълум бўлишича, хулқ оғишининг вужудга келиш жараёни: маданий (М.Мид, Э.Фромм), иктисодий (Г.Кайзер, Б.Холист, Г.Шнайдер), ижтимоий (С.Д.Арэуманян, Н.П.Дубинин, В.Н.Кудрявцев), саломатлик (П.Б.Ганушкин, Л.И.Захаров, И.И.Ковалев, З.Ф.Камалетдинова, Н.Т.Кондрашенко, Е.Р.Калитевская, А.Е.Личко), ижтимоий-психологик (М. А. Алемаскин, С.А.Беличева, Л.И.Божович, Г.Г.Бочкарева, А.И.Долгова, Я.Л.Коломинский, В.М.Каримов, М.Н.Онищенко, Л.М.Зюбин, И.С.Кон, И.А. Фурманов, Д.И.Фельдштейн, Э.Ф.Ғозиев, Б.М.Умаров, Г.Тўлаганова,

Н.Ф.Камилова), педагогик (А.С.Белкин. Н.Н.Верцинская, Э.Натанзон, И.А.Невский, А.И.Островский, А.Е.Тарас) йўналишлар бўйича вояга етмаганларда хулқ оғиши муаммоси кенг қамровли тадқиқ қилинган ва хулқ оғиши кўп омиллар таъсири оқибати эканлигини ҳамда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш ва тарбиявий-психологик чоратадбирларни ишлаб чиқишда психологик омилларнинг аҳамияти муҳим эканлигини қайд этганлар.

Хулқ оғиши муаммосининг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича Ўзбекистонда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, психолог олимлардан Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, Н.Ф.Камилова, С.А.Ахунжонова, З.Р.Қодирова, Э.Ш.Усмонов, Б.М.Умаров (суицидал ва хулқ оғишининг ижтимоий-психологик омиллари), педагог-олимлардан О.Мусурмонова, Д.Ж.Шариповлар (оилада баркамол шахсни тарбиялаш ҳамда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, чекиш каби иллатларнинг олдини олиш муаммолари) хулқ оғиш масалаларини турли томонлардан тадқиқ қилишган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Вояга етмаганларда хулқ оғишининг ижтимоий-психологик омилларини эмпирик тадқиқ этилиши**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг умумий тавсифи, ўтказилиш тартиби, олинган натижаларнинг таҳлили ва корреляцион боғлиқликни аниқлаш босқичлари ташкил этади. Диссертацияда хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлар шахсини ўрганиш мақсадида В.Н.Мельников ва Л.Т.Ямпольскийлар томонидан ишлаб чиқилган «Шахсни психодиагностик баҳолаш» тестидан фойдаланилди ва қуйидагича натижалар олинди.

Олинган натижалар бўйича хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлар шахсидаги энг юқори кўрсаткич асоциаллик шкаласига тўғри келди (13,96). Психик беқарорлик шкаласи кўрсаткичи ҳам бошқа шахс хусусиятлари кўрсаткичига қараганда, анча юқорилиги кузатилди. (13,61%). Шунингдек, тадқиқотимизда невротизм (11,13%), психотизм (11,01%), депрессивлик (руҳий танглик) (9,50%), тобелик (6,55%), хусусиятлари ҳам юқори даражани кўрсатди.



1-расм. Шахс хусусиятларининг тажриба гуруҳларида қуйи ва юқори мезонларга кўра намоён бўлиши (n-210)

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларда шахс хусусиятларининг намоён бўлиши ёш хусусиятларига кўра асоциаллик 12-13 ёшли ўсмирларда 13,71% ни ташкил қилган бўлса, 14-15 ёшда бу кўрсаткич 14,32% га тенг бўлди. 16-17 ёшдаги ўспиринларда эса бу хусусият 15,72% фоизни кўрсатди. Психик беқарорлик даражаси 12-13 ёшда 12,36 % ни кўрсатган бўлса, 14-15 ёшда 13,36 % ни, 16-17 ёшда эса 14,31 % га тенг бўлди. Назорат гуруҳидаги вояга етмаганларда эса энг юқори кўрсаткични умумий фаоллик (13,20 %) хусусияти эгаллади.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, асоциаллик, руҳий беқарорлик ва психотизм даражалари кўрсаткичи вояга етмаганларда юқори ёшга келиб ортиб борганлиги кузатилади. Жумладан 12-13 ёшда 13,71% га тенг бўлган бўлса, 14-15 ёшга келиб - 14,32 % га, 16-17 ёшда эса - 15,72 % га ортган. Руҳий беқарорлик даражаси ҳам катта ёшдаги вояга етмаганларда ортиб борганлиги кузатилди. (12-13 ёшда -12.36 %, 14-15 ёшда 13.66 % ва 16-17 ёшда 14,31 %).



2-расм. Шахс хусусиятларининг назорат гуруҳларида қуйи ва юқори мезонларга кўра намоён бўлиши (n=210)

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлар шахсида психотизм даражасининг ўсиши умумий фаолликнинг ортишига сабаб бўлиб ($r=0,941$, $p<0.01$), улардаги ёшга хос руҳий қувватнинг юқорилигига қарамасдан, оила ва бошқа тарбия муҳитида аниқ йўналтирилган фаолиятнинг бўлмаганлиги оқибатида жинойий хатти-ҳаракатларга қўл ўришига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шунингдек, уларда психотизм даражасининг юқори даражада ифодаланиши ўз навбатида шахсга нисбатан юқори баҳо бериш, кадр-қимматни улуғлаш, ўзгаларга нисбатан ҳурмат ва илиқ муносабат намоён бўлишидан кўра, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга нисбатан доминантликни пайдо қилиши мумкин деган хулосани беради.

Тажриба гуруҳиди шахс хусусиятлари ўртасидаги корреляцион муносабатлар
(n=210)

Шкалалар	Невротизм	Психотизм	Депрессия	Виждонлилик	Турғунлашган-лик	Умумий фаол-лик	Тобелик	Мулоқотманд-лик	Эстетик-таъсирчан-лик	Назокатлилик	Психик беқарорлик	Асоциаллик	Интроверсия	Сензитивлик
Невротизм	1	0,941**	0,741**	-0,267**	0,057	0,385**	-0,179	-0,119	-0,160	0,470**	-0,188	-0,237*	0,021	0,403**
Психотизм		1	0,838**	-0,063	0,265**	0,373**	-0,173	-0,211*	-0,315**	0,513**	-0,270**	-0,278**	0,043	0,467**
Депрессия			1	0,157	0,290**	0,250*	-0,089	-0,097	-0,182	0,490**	-0,381**	-0,357**	0,056	0,546**
Виждонлилик				1	0,785**	0,249*	0,085	-0,253*	-0,321**	0,556**	-0,649**	-0,672**	-0,464**	0,618**
Турғунлашганлик					1	0,643**	-0,385**	-0,377**	-0,452**	0,667**	-0,501**	-0,569**	-0,438**	0,592**
Умумий фаоллик						1	-0,616**	-0,009	-0,036	0,716**	-0,385**	-0,582**	-0,539**	0,602**
Тобелик							1	0,396**	-0,070	-0,178	-0,065	0,060	0,310**	0,007
Мулоқотмандлик								1	0,467**	-0,249*	-0,072	0,008	0,323**	0,072
Эстетик таъсирчанлик									1	-0,320**	-0,025	0,046	0,303**	0,000
Назокатлилик										1	-0,519**	-0,744**	-0,641**	0,803**
Психик беқарорлик											1	0,928**	0,312**	-0,881**
Асоциаллик												1	0,603**	-0,917**
Интроверсия													1	-0,350**
Сензитивлик														1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Психотизм шкаласида хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлардаги руҳий танглик, эгоизмнинг ўсиши, бошқалардан устун бўлишга интилиш, ортиқча қўзғалувчанлик, жамиятда ҳукм сурган меъёрларни қабул қилмаслик асоциал хулқнинг келиб чиқишига замин яратиш мумкинлиги кузатилади.

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганлардаги депрессия ҳолатининг юқорилиги уларнинг масъулиятли ва виждонли инсон сифатида ўзларини баҳолашларига, ўзлари томондан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар ва шаклланган хулқ-атвор меъёрларининг мақсадга мувофиқдек қабул қилинишига ($r=0,838$, $p<0.01$) ҳамда бу хусусиятлар бора-бора барқарорлашган ғайриқонуний хулқ-атвор шаклига айланишига туртки бўлиб хизмат қилганлиги кузатишимиз мумкин.

Вояга етмаганларда хулқ оғиши билан боғлиқ бўлган шахс хусусиятларининг ифодаланишини аниқлаш мақсадида К.Леонгарднинг «Ўсмирлар характер хусусиятларини ўрганиш» методикасидан фойдаланилди ва куйидаги натижалар олинди. Тадқиқотларимиздан маълум бўладики, ўсмирлардаги хирсий майллик улар характеридаги ўта қўзғалувчанлик ва беқарорлик хислатлари билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Шу боисдан ўсмирлардаги бундай хулқ тезда патологик характер касб этиши ҳам мумкин. Ҳирсий майл хулқининг патологик тус олиши эса девиант хулқнинг келиб чиқиши учун замин яратади.

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларда шахс хусусиятлари ифодаланишининг ёш даври хусусиятларига кўра корреляцион коэффициенти даражаси бўйича ҳам психик беқарор ва ўзгарувчан характерли, қўзғалувчан, циклотомик, дистимик, педантик, намоёишкор хусусиятли вояга етмаганларда девиантлик кўрсаткичи манфий муносабатни беради. ($0,420^{**}$, $0,391^{*}$, $0,317^{*}$, $0,314^{*}$, $0,311^{*}$, $0,306^{*}$). (2-жадвал).

Тадқиқотимизда ўрганилган респондентларда эмансипативлик характери уйдан қочиш ҳолатини одатга айлантира бошлаган ўзгарувчан, психик беқарор характерли болалар ва ўсмирларда кўпроқ кузатилди. (18,14 %). Шунингдек, қўзғалувчан (13,24 %), намоёишкор (10,27 %), характер хусусиятли вояга етмаганлар ҳам эмансипативлик мазмунидаги уйдан қочиш одатига тез берилувчанликлари билан характерланадилар.

Синалувчиларда «тенгқурлари билан гуруҳланиш» реакцияси шахс хусусиятларида турлича намоён бўлган. Хусусан, гуруҳланиш даражаси гипертим хусусиятга эга бўлган болалар ва ўсмирларда ёрқин намоён бўлса (17,26%), дистимик хусусиятли вояга етмаганларда энг паст даражани (4,14%) кўрсатди. Шунингдек, ўзгарувчан, психик беқарор характерли (15,12%), қўзғалувчан (12,23%), хавотирланувчан (11,13%), намоёишкор (9,21%), хусусиятли вояга етмаганларда ҳам тенгқурлари билан гуруҳланиш реакцияси даражаси, яъни гуруҳбозликка мойиллик анча юқорилиги кузатилди.

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларда шахс хусусиятлари ифодаланишининг ёш даври хусусиятларига кўра корреляцион коэффициенти даражаси бўйича ҳам психик беқарор ва ўзгарувчан характерли, қўзғалувчан, циклотомик, дистимик, педантик, намоёишкор хусусиятли вояга етмаганларда

девиантлик кўрсаткичи манфий муносабатни берди. (0,420**,0,391*,0,317*, 0,314*, 0,311*,0,306*).

2-жадвал

Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларда шахс хусусиятлари
ифодаланишининг корреляцион коэффицентлари
(К.Леонгард тести бўйича)

№	Шахс хусусиятлари	Ёш давлари					
		Эмансипация реакцияси	Тенгқурлари билан гуруҳланиш реакцияси	Хобби реакцияси	Ҳирсий майл реакцияси	Ёш болаларга хос хулқ- атвор реакцияси	Девиантлик даражаси
1	Гипертим	0,430**	0,378*	0,312*	0,461**	0,296*	0,215
2	Кўзғалувчан	0,305*	0,381*	0,369*	0,274*	0,417**	0,391*
3	Эмотив	0,223	0,278*	0,214	0,266*	0,289*	0,271*
4	Педантик	0,267*	0,324*	0,337*	0,309*	0,187*	0,311*
5	Хавотирланувчи	0,225	0,313*	0,146	0,284*	0,562**	0,278*
6	Циклотомик	0,317*	0,245	0,279*	0,286*	0,231	0,317*
7	Намойишкор	0,416*	0,337*	0,358*	0,361*	0,254	0,306*
8	Беқарор, ўзгарувчан характерли	0,614**	0,438**	0,264*	0,340*	0,374*	0,420**
9	Дистимик	0,185	0,161	0,286*	0,229	0,301*	0,314*
10	Экзальтир	0,117	0,285*	0,197	0,301*	0,113	0,277*

Изоҳ: *p<0.05; **p<0.01

«Шахсни психодиагностик баҳолаш» тести бўйича корреляцион таҳлил натижаларининг кўрсатишича, вояга етмаганларнинг шахс хусусиятлари юзасидан юқорида амалга оширилган таҳлилларимиздаги сингари улар орасидаги ички боғлиқликлар таҳлил қилинганда методиканинг юқори ва қуйи омиллари орасида бир-бирини тасдиқловчи қийматлар акс этганлиги кузатилди. Масалан, невротизм психотизм ($r=0,941$, $p<0.05$), невротизм ва депрессия ($r=0,838$, $p<0.05$) хусусиятларининг юқорилиги, аксинча умуминсоний фаоллик ва мулоқотмандликнинг ($r=-0,009$, $p<0.01$ умумий фаоллик ва эстетик таъсирчанликнинг ($r=-0,036$, $p<0.01$) пасайишини келтириб чиқарганлигининг

гувоҳи бўламиз. Бу эса хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари улар яшаётган ижтимоий муҳит меъёрларига мослаш ва мослашишдаги муаммолардан далолат беради (Диссертациянинг 2.2. жадвалида).

Тадқиқотимизда ёш даври хусусиятларининг вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишини ўрганиш мақсадида К.Леонгарднинг «Ўсмирлар характер хусусиятларини ўрганиш» сўровномаси ҳамда ўзимиз томонимиздан ишлаб чиқилган ИПС, кузатиш, вояга етмаганлар фаолиятини ўрганиш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, ўсмирлик ёшига хос бўлган эмансипация хусусияти, яъни катталарнинг, хусусан, яқинларининг ва ўқитувчиларнинг қарамоғидан, назоратидан, ғамхўрлигидан озод бўлишга интилиш реакцияси вояга етмаганларда дастлаб девиант хулқнинг, кейинчалик эса девиант хулқнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши кузатилади.

Ўсмирлик ёшига хос бўлган эмансипативлик - ўзгарувчан ва енгил характерлилик вояга етмаганларнинг одатда бошқаларга нисбатан ота-она, ўқитувчилари ва катталар томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан озод бўлишга кўпроқ ҳаракат қилиш хусусиятларини намоён қилади. Шунингдек, гипертим хусусиятли ўсмирлардаги мактанчоқлик, ўзини катта тутиш ва мустақилликка интилиш ҳиссининг юқорилиги, қайсарлиги ва доимо ўз фикрини устун қўйишга мойиллик, асабийлик ва шу сингари хусусиятлар уларда жамиятда қабул қилинган умумий талаб ва меъёрларни бузишга ундовчи психологик омил ролини ўйнаганлиги кузатилади.

Бундай вояга етмаганларда эмансипация реакциясининг ифодаланиши турлича кўринишда намоён бўлди. У баъзан ўсмирнинг кундалик фаолиятдаги воқеа-ҳодисаларни доимо ўз хоҳиш истаги измига бўйсундириш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар мазмунида ифодаланса, баъзан эса ўз «Мен» лигини кўрсатишга нисбатан бўлган интилиш мақсадидаги муомала муносабатларида намоён бўлганлигини кузатамиз.

Ижтимоий келиб чиқишига кўра, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғиши асосан ишчилар ёки ҳозирча ҳеч қаерда ишламайдиганлар оиласига тўғри келади. Аммо, тадқиқотимизда олий маълумотлилар, ота-оналари раҳбарлик лавозимида ишлаётган оилаларнинг фарзандларида ҳам намоён бўлиши ҳолатлари кузатилди. Бизнингча, бунинг сабаби ота-оналарнинг иш билан бандлиги натижасида фарзандларининг бўш вақтларини, улар фаолиятини назорат қилиш борасида сусткашликка йўл қўйишлари билан изоҳлаш мумкин.

Олинган натижалардан кўринадик, оиланинг моддий-маиший шароити, турмуш тарзи, иқтисодий имконияти ва тарбиявий таъсирчанлик даражаси вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбулардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, вояга етмаганларда хулқ оғишини олдини олишда уларга оилаларда имкон қадар моддий-маиший шарт-шароит яратиб бериш мақсадга мувофиқлигини тасдиқлаб турибди.

Маърифатлилик, илм олишга нисбатан бўлган интилиш, ақлий ва маънавий баркамоллик вояга етмаганларни соғлом турмуш тарзига, ахлоқий ва

хуқуқий қоидаларга итоат этишга етаклайди. Аксинча, мактабга боришдан бўйин товлаш, дарсларни ўз вақтида бажармаслик, билим олишга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги болаларда турли хил ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.




5-расм. Хулқ оғишига эга бўлган вояга етмаганларнинг оила турлари бўйича кўрсаткичлар (n=210)

Диссертациянинг «**Вояга етмаганларда хулқ оғишини олдини олишнинг ижтимоий-психологик масалалари**» деб номланган учинчи бобида вояга етмаганларда хулқ оғишини олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар режаси, унинг айрим ижтимоий–психологик жиҳатлари, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқиш сабаби ва уни олдини олишда педагогик-психологик тарбиянинг ўрни ҳамда психологик таъсир чоралари батафсил ёритиб берилган. Тадқиқотимизда Е. Шафернинг «Ота-оналар хулқ-атвори ўсмирлар назарида» (1965) тест-сўровномасининг Э.Матейчик, П.Ржичан (1983) томонидан мослаштирилган ва тадқиқот учун махсус қайта ишланган варианты ҳамда «Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар» сўровномасидан фойдаланилди.

Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш бўйича ижтимоий-психологик сўровнома натижаларидан маълум бўлишича, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллардан асосийлари «Ёш даври хусусиятлари» (16,3%), «Болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйиш» (14,5%), «Қаровсизлик ва вояга етмаганларнинг бўш вақтларини назорат этмаслик» (12,4%) ҳолатлари бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишида «оилада фарзандлар тарбиясига эътиборнинг сусайиши ва улар фаолиятини назорат қилмаслик» (24,30 %) асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади (6-расм).



6- расм. Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этувчи “оила муҳити” омиллари (n=210)

Вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи оилавий тарбияга боғлиқ бўлган омиллардан яна бири “оилавий тарбияда приметив (эскирган, номаъкул) усуллардан фойдаланиш” бўлиб ҳисобланади. (8,21%) (3.1-жадвал) Бундай тарбия усулида тарбия ўта қаттиққўллик, авторитар, болаларнинг фикр ва қарашларини инобатга олмаслик асосида олиб борилади. Бундай усулда болаларни тарбиялашнинг нотўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, оилада болаларга позитив, директив, авторитар муносабатларни меъёрида намоён қилиш ва бунда вояга етмаганларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олиш улар ҳулқида ижобий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса вояга етмаганлар ҳулқида ўзига хос салбий ўзгаришлар келиб чиққанлиги кузатилди.

Оилада болаларга позитив, директив, авторитар муносабатларни меъёрида намоён қилиш ва бунда вояга етмаганларнинг ёш ва ўтиш даври хусусиятларини ҳисобга олиш улар ҳулқида ижобий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса вояга етмаганлар ҳулқида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Тадқиқотимизда вояга етмаганларнинг умумий кўрсаткичлари бўйича корреляцион таҳлилда бир қатор ҳам ижобий, ҳам салбий аҳамиятли ўзаро алоқалар кузатилди. Ўсмирларнинг ота-оналари ҳулқ-атворини акс эттирувчи шкалалар бўйича кўрсаткичлари қуйидаги муносабатларни ўзида акс эттирди: агар «Эркинлик бериш асосидаги муносабат(POZ)»нинг аҳамияти ортадиган бўлса, ота-оналарнинг «авторитар бошқарувчанлик» ($r=-0,456$; $p\leq 0,01$) хатти-ҳаракатлар пасайишига олиб келар экан, бу эса қайсидир маънода ўсмирларнинг ўзини ўзи бошқаришига имкон берадиган омил бўлиши мумкин.

Мазкур мезон бир жиҳатдан фарзандларнинг хулқ-атворидаги ёшга хос психологик хусусиятлар тўғрисида ота-оналарнинг етарлича хабардор эмасликлари муносабатни эркин ўрнатишларига ҳар доим ҳам йўлга қўйилмаган дейиш мумкин.

